

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА СИНФ ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎЗ ЎЛКАСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

О.М.Қўзибоева

Д.Мўминов

З.Бойтемирова

Қўқон давлат университети

Аннотация

Бошланғич синф ўқувчиларига синф ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўз ўлкаси тарихини билиш ва улар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Айниқса, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўқтаётган ҳар бир болани комил инсон қилиб тарбиялашда ўз ватани тарихи, тили, маданияти, урф-одатларини ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади.

Таянч иборалар: ўлкашунослик библиографияси, харитали манбалар, оғзаки манбалар, тарих ва маданият ёдгорликлари, музейлар

Аннотация

При организации классных и внеклассных занятий для учащихся начальных классов важно знать историю своей страны и располагать информацией о них. Особенно важно преподавать историю, язык, культуру, традиции своей родины при воспитании глухого ребенка как совершенного человека, снимающего в соответствии с требованиями сегодняшнего дня.

Ключовые слова: краеведческая библиография, картографические источники, устные источники, памятники истории и культуры, музеи

Annotation

When organizing classroom and extracurricular activities for primary school students, it is important to know the history of their country and have information about them. It is especially important to teach the history, language, culture, traditions of your homeland when raising a deaf child as a perfect person who shoots in accordance with the requirements of today.

Keywords: local history bibliography, cartographic sources, oral sources, historical and cultural monuments, museums

Бошланғич синф ўқувчиларига ўз ўлкаси тарихи, она ватанида етишиб чиққан алломалар ва улар томонидан қолдирилган маданий мерос ва тарихий обидаларни синф ва синфдан ташқари экскурсияларда ўқувчиларга ўргатиш ва уларни она ватанига бўлган муҳаббатини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Уларни ўрганиш ва улар ҳақидаги маълумотлар билан

таништириш методикаси билан аввало ўқитувчи танишиб чиққан бўлиши зарур. Синф ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчилар яшаб турган ўлкасида жойлашган музейлар, тарихий обидалар, зиёратгоҳларнинг ўрни беқиёс.

Мактаб ўқувчиларига синф ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишда мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган амалий ишлар диққатимизни тортмоқда. Президентимиз фармонлари билан 18 ёшгача бўлган болалар музейларга, тарихий обидаларга, зиёратгоҳларга кириш бепул бўлганлиги, ўқувчиларимизни янада кучли, билимли, баркамол инсон бўлиб етишига муҳим вазифани ўтайди. Биз педагоглар экскурсиялар ташкил этиш жараёнидан олдин борадиган жойимиз тўғрисида мукаммал билимга эга бўлишимиз лозим. Экскурсияларни ташкил этишда ўқувчиларни олдин шу жой ҳақидаги барча билимларини эгаллашларига ҳам эътибор қаратмоғимиз зарур.

Ўлкашунослик библиографияси – ўз жойи ва ўлкасидаги етишиб чиққан тарихий шахслар ва буюк алломалар ҳақидаги (журналлар ва газеталардаги мақолалар), хариталар, тасвирий маҳсулотлар ва давомли нашрлар (илмий жамиятлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаларининг илмий тўпламлари ва ахборотлари) мажмуи. Библиография ҳақидаги маълумотлар билан дастлаб ўқитувчи ўзи танишиб чиққан бўлиши керак.

Харитали манбалар – харита атроф-муҳит ҳолатининг кичрайтирилган ва умумлаштирилган белгили тасвири, ўзига хос модели бўлиб, улар экологик ўлкашунослик тадқиқотларида экологик ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Тарихий-оммабоп хариталар ҳудудий қамрови, мазмуни, масштаби ва тасвири соддалаштириш даражасига кўра хилма-хил турларга ажратилади. Уларда экологик маълумотлар мавзуй умумлашган ҳолда батафсил ва теранлик билан кўрсатилади.

Архив манбалари – давлат ва идоравий архивларда ўз ўлкасида етишиб чиққан буюк алломалар, тарихий шахслар ва улардан қолган асори антиқалар, қўлёзмалар, битиклар, мусиқий асарлар ва бошқа манбалар қиради.

5.Оғзаки манбалар – халқ оғзаки ижоди (эртақлар, ривоятлар (нақллар), дostonлар, қўшиқлар, мақоллар, маталлар) намуналарида халқ маънавияти ва маданиятининг (инсоннинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга ва атроф-муҳитга онгли, ахлоқли, масъулиятли муносабатининг) азалий ва абадий мезонлари мужассамлашган бўлади. Бу бебаҳо неъматлар замонавий тарихий тафаккур ва қарашлар билан уйғун ривожланиб, ўқувчиларнинг тарихий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозим. Тарихий ўлкашунослик тадқиқотлари жараёнида уларни ўрганиш ва халқ оммасига етказиш энг муҳим маърифий вазифалардан биридир.

6. **Тарих ва маданият ёдгорликлари** тарихий ўлкашунослик манбаи сифатида ўз жойи ва ўлкасининг атроф-муҳитига оид хилма-хил ахборотларни ўзида сақлайди ва улар билан танишиш жараёнида бу ахборотлар ўзлаштирилади. Айниқса, санъат асарлари ўз жойи ва ўлкасида экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги билимларнинг муҳим манбаи бўлиб, уларда табиат ва ишлаб чиқариш манзаралари, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, кадрдон ўлка (шаҳар, қишлоқ) ҳамда ижтимоий-экологик ҳаётнинг турли қирралари ҳақидаги ахборот сақланади.

7. **Музейлар** – ўлкашунослик музейлари ва музей-қўриқхоналарда табиат ва унинг таркибий қисмлари, инсоннинг хўжалик фаолияти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида асл манбали билимлар ҳисобланган моддий-маънавий ёдгорликлар ва табиий-илмий коллекциялар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш орқали экологик таълим-тарбия ва маданиятни шакллантириш самарадорлиги янада ортади. Натижада ўқувчи-ёшларнинг ўз жойи ва ўлкаси табиатидан тўғри фойдаланиш, шунингдек атроф-муҳитга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмалари янада ривожлантирилади.

Давлат музейлари бўлмаган ҳудудларда таълим муассасалари ташаббуси билан экологик ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши мумкин. Бундай музейлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- а) ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг кучи билан йиғиладиган тарихий ўлкашунослик материаллари асосида ташкил этилади;
- б) фақат ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, унинг ашёлари ва коллекцияларидан таълим ва тарбия мақсадларида фойдаланилади;
- в) табиий-илмий мазмундаги коллекциялар мажмуий хусусиятга эга бўлади.

Бундай музейлар ўқувчиларнинг ўз жойи ва ўлкасига, шунингдек атроф-муҳитга бўлган қизиқишини орттиришга, илмий тарихий тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади. Музейлардан олган билимлари, ўз ўлкасида етишиб чиққан тарихий шахслар орқали ўқувчилар баркамол шахс бўлиб тарбияланиши билан биргаликда, ўз ўлкасидаги яшаб ўтган аجدодларини, ота-боболарини ҳурмат қилишга ва она-юртига меҳр муҳаббатлари ортиришига ёрдам беради. Экскурсиялар ўқувчилар китобларда ўқиган билимларини амалиётда қўллашига, эгаллаган билимларини мустахкамлашга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайдаматов Ф.Р. Формирование творческих способностей учащихся в процессе изучения географии // Педагог минбари, 2016, № 5. - С. 47-49.
2. Сайдаматов Ф.Р. Творческая деятельность учащихся школ на уроках географии // Халқ таълими, 2017, № 2. – Б. 127-130.

3. М.Г. Давлетшин, Ш. Дустмухамедова, М. Мавлонов, С. Туйчиева. Ёш даврлари ва педагогик психология (ўқув-методик қўлланма). – Тошкент, ТДПУ, 2004. - 132 б.
4. Болтаева Ш.П. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш: Пед. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 20 б.
5. Quziboyeva O. Issues of optimization of geoekological situation in Fergana valley // ISSUE 77. Volume 6, 2020. -P. 445. CrossRef № ISSN:2581-4230)
6. Qo'ziboyeva O., Sobirova N. Farg'ona vodiysi landshaftlarining rivojlanish tendensiyasini o'rganilish tarixi // Samarqand davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. Samarqand, 2021, 5-son. -B. 74.
7. Koziboeva Ozodkhan Mahmudovna, Mominov Daniyori Gulomovich, Abdinazarova Khidoyatkhan Oripovna, Yuldasheva Dilshoda GEOECOLOGICAL BASIS OF SOUTH FERGANA NATURE PROTECTION AND RATIONAL USE OF NATURAL RESOURCES. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I8.18 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 08 2022
8. Kuziboyeva O.M. Muminov D.G. Xabibullayeva M. USE OF IRRIGATED LAND AND LANDSCAPE-AMELIORATIVE ASSESSMENT (IN THE CASE OF ANDIJAN REGION. "Ekonomika i sotsium" №1(104)-2 2023. DOI-18581/2020